Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари



Бугунда

коррупцияга қарши курашиш

Ўзбекистон Республикасининг давлат сиёсати сифатида белгиланди

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2023 йил 27
ноябрдаги ПФ-200-сон Фармонига
1-ИЛОВА

Коррупцияга карши курашиш бўйича 2023-2024 йилларга мўлжалланган
ДАВЛАТ ДАСТУРИ

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
I. Давлат бошқаруви сохасида коррупциянинг олдини олиш					
5.	Давлат органлари ва ташкилотлари бюджетдан ташқари жамғармаларига келиб тушаётган маблағларнинг сарфланиши устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш.	Давлат органлари ва ташкилотлари бюджетдан ташқари жамғармаларига келиб тушаётган маблағлар (жарима, давлат мулкини ижарага бериш ва сотиш, пуллик хизматлар кўрсатиш ва бошқа), уларнинг сарфланган мақсад ва йўналишлари ҳақидаги маълумотларни очик маълумотлар портали ва расмий веб-сайтларда эълон килинишини назарда тутувчи норматив-ҳуқукий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2024 йил март	-	Иктисодиёт ва молия вазирлиги (И. Норкулов), Коррупцияга карши курашиш агентлиги (А. Бурханов), Бош прокуратура (Н. Йўлдошев)
IV. Давлат харидларини амалга ошириш сохасида коррупциянинг олдини олиш					
15.	Давлат органлари ва ташкилотларга тегишли корпоратив банк карталари оркали харидларни амалга ошириш жараёнини тартибга солиш.	Давлат буюртмачилари томонидан давлат харидларини корпоратив банк карталари оркали амалга ошириш тартибини ишлаб чикиш ва тасдиклаш.	2024 йил апрель	-	Иктисодиёт ва молия вазирлиги (И. Норкулов), Марказий банк (М. Нурмуратов), Адлия вазирлиги (А. Ташкулов)



КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШГА ҚАРАТИЛГАН НОРМАТИВ ҲУЖЖАТЛАР:

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” Қонуни *(2017-йил 3-январдаги ЎРҚ-419-сон);*

Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари *(2017 йил 11 сентябрдаги ЎРҚ-445-сон, 2014 йил 5-майдаги (21.04.2021 йил таҳририда) ЎРҚ-369-сон, 2018 йил 8 январдаги ЎРҚ-457-сон, 2018 йил 12 апрелдаги ЎРҚ-474-сон, 2019 йил 10 майдаги ЎРҚ-537-сон, 2021 йил 20 апрелдаги ЎРҚ-682-сон, 2022 йил 29 февралдаги ЎРҚ-792-сон,* 2023-йил 8 августдаги ЎРҚ-860-сон, *2022 йил 8 августдаги ЎРҚ-788-сон, 2023 йил 8 августдаги ЎРҚ-860-сон);*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари *(2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сон, 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сон, 2021 йил 16 июндаги ПФ-6247-сон, 2021 йил 6 июлдаги ПФ-6257-сон, 2021 йил 24 июлдаги ПФ-6269-сон, 2021 йил 6 июлдаги ПҚ-5177-сон, 2022 йил 12 январдаги ПҚ-81-сон, 2022 йил 20 апрелдаги ПФ-113-сон, 2022 йил 11 майдаги ПҚ-240-сон, 2022 йил 14 июндаги ПФ154-сон, 2002 йил 21 июндаги ПФ-269-сон, 2023 йил 25 январдаги ПФ-14-сон, 2023 йил 27 декабрдаги ПФ-200-сон);*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари *(2020 йил 31 декабрдаги 829-сон, 2022 йил 16 майдаги 259-сон, 2022 йил 20 майдаги ВМҚ-276-сон)* ва бошқ.

Хусусан, ...


Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги ЎРҚ-419-сон “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” Қонуни



Қонун билан қуйидагилар белгиланди:

- коррупция тушунчаси;
- манфаатлар тўқнашуви тушунчаси;
- коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари;
- коррупцияга қарши курашувчи давлат органлари ва уларнинг ваколатлари;
- коррупцияни олдини олишга доир чора-тадбирлар;
- коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг муқаррарлиги.

Коррупция деганда нима тушунилади?



“Коррупция - шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши,...”.

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддаси

КОРРУПЦИЯНИНГ ТУРЛАРИ



МАИШИЙ КОРРУПЦИЯ

– давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида фуқаролар ва давлат хизматчилари ўртасида вужудга келадиган коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик



ИШБИЛАРМОНЛИК (БИЗНЕСДАГИ) КОРРУПЦИЯ

– ушбу қилмиш давлат хизматчилари ва тадбиркорлар ўртасида содир этилади



ЮҚОРИ ҲОКИМИЯТ ВАКИЛЛАРИ КОРРУПЦИЯСИ

– бу қилмиш мамлакатнинг юқори турувчи ҳокимият раҳбарлари, суд ҳокимияти, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан содир этилади

КОРРУПЦИЯНИНГ 3 сабаби

1. Иқтисодий — давлат хизматчиларининг паст ойлик маоши, уларнинг тадбиркор ва фуқаролар фаолиятига таъсир кўрсатишда юқори ваколати.



2. Институционал — давлат идоралари ишидаги ёпиқлик, ҳисоботлар тизимидаги қўшиб ёзишлар, қонунчилик тизимида шаффофликнинг йўқлиги, давлатнинг кучсиз кадрлар сиёсати.



3. Ижтимоий-маданий — жамиятнинг интизомсизлиги, фуқароларнинг тартибсизлиги ва ахборотга эга эмаслиги, жамоатчилик пассивлиги.



Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органлари



- **Коррупцияга қарши курашиш агентлиги**
- **Бош прокуратура**
- **Давлат хавфсизлик хизмати**
- **Ички ишлар вазирлиги**
- **Адлия вазирлиги**
- **Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти**
- **Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа давлат органлари** *(“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддаси).*



КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ:

1) аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, **жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш** *(Қонуннинг 3-боби);*

2) давлат ва жамият ҳаётининг **барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш** *(Қонуннинг 4-боби);*

3) **коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар**ни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик **учун жавобгарликнинг муқарраплиги принципини таъминлаш** *(Қонуннинг 5-боби);*

1.“АҲОЛИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ОНГИ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ, ЖАМИЯТДА КОРРУПЦИЯГА НИСБАТАН МУРОСАСИЗ МУНОСАБАТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ” йўналишида:



Республика таълим муассасаларида, шунингдек Давлат бошқаруви академиясида коррупцияга қарши курашишга оид ҳуқуқий таълим бериш жорий этилди *(2021 йил 6 июлдаги ПҚ-5177-сон қарори)*



Давлат хизматчиларини “Ҳалоллик вакцинаси” тамойили асосида мунтазам равишда коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви ва одоб-ахлоқ қоидалари бўйича ўқитиш тизими жорий этилди *(2021 йил 6 июлдаги ПҚ-5177-сон қарори)*




Коррупцияга нисбатан тоқатсиз муносабатни шакллантириш мақсадида, коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари вакилларининг **ёшлар билан учрашувларини ташкил этиш** *(2023 йил 27 ноябрдаги ПФ-200-сон Фармони)*



Коррупцияга қарши курашиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар, бу борада эришилган натижаларни муҳокама қилиш ва тушунтиришга бағишланган **тарғибот тадбирларини эфирга узатиш орқали амалга ошириш** *(2023 йил 27 ноябрдаги ПФ-200-сон Фармони)*

2.“ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИНГ БАРЧА СОҲАЛАРИДА КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ДОИР ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ” йўналишида:



Давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар *(19-модда)*

Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва тадбиркорлик соҳасида коррупсиянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар *(20-модда)*

Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уни бартараф этишга доир чора-тадбирлар *(21-модда)*

Маъмурий тартиб-таомиллар соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар *(22-модда)*

Давлат харидларини амалга ошириш соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар *(23-модда)*

Норматив-ҳуқуқий ужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси *(24-модда)*

Хусусан, ...

2.”Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш” йўналишида

- Давлат бошқарувида “инсон омили”ни камайтириш мақсадида, давлат хизматларини электрон шаклда ёҳуд ДХМ орқали амалга ошириладиган бўлди *(2017 йил 12 декабрдаги ПФ-5278-сон фармони)*
- Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди *(2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сон фармони)*
- Давлат ташкилотларида коррупцияга қарши ички (комплаенс) назорат тизими жорий этилди *(2021 йил 6 июлдаги ПҚ-5177-сон қарори)*
- Ташкилотлар хўжалик фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлиги таъминлашга қаратилган “online” платформалар ва порталлар ташкил этилди *(xarid.uzes.uz, tender.mc.uz ва бошқ.).*
- Давлат харидлари соҳасида ўтказилган тендер (танлов) натижаларини мажбурий равишда очиқ эълон қилиш амалиёти жорий этилди *(2021 йил 6 июлдаги ПҚ-5177-сон қарори)*
- Маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан ажратилган маблағлардан фойдаланилиши устидан депутатлик назорати ўрнатилди *(2021 йил 6 июлдаги ПФ-6257-сон)*
- Ташкилотларда коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизими жорий этилди *(2022 йил 12 январдаги ПҚ-81-сон қарори)*
- Давлат ташкилотлари фаолиятининг очиқликлигини баҳолашга қаратилган Очиқлик индекси ва методикаси жорий этилди *(2022 йил 14 июндаги ПФ-154-сон)*
- Ташкилот фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни мажбурий аниқлаш ва баҳолаш электрон реестрини юритиш тизими жорий этилди *(2022 йил 11 майдаги ПҚ-240-сон қарори) ва бошқ.*
- Давлат ташкилотларига ҳар йили иш режаларига мувофиқ ижроси ўз зиммасига юклатилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси ўтказилиши белгиланди *(2023 йил 8 августдаги ЎРҚ-860-сон қонуни) ва бошқ.*

Хусусан, ...

Давлат бошқаруви органларида “инсон омили”ни кескин камайтириш мақсадида



150дан ортиқ давлат хизматлари электрон шаклга ўтказилди *(коммунал тўловлар, жарима, транспортга чипталар харид қилиш, ўқишга ҳужжат топшириш, давлат органларига электрон навбатнинг жорий этилиши ва бошқ.)*

300дан ортиқ давлат хизматининг кўрсатилиши Давлат хизматлари марказлари орқали ташкил қилинди *(болани боғчага жойлаштириш, турар-жой объектларинини кадастр паспортини шакллантириш, ҳайдовчилик гувоҳномасини алмаштириш, коммунал ҳисоблагичларни ечиш ва ўрнатиш, маълумотномалар олиш ва бошқ.);*

3. “КОРРУПЦИЯГА ОИД ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ СОДИР ЭТГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИНГ МУҚАРРАРЛИГИ ПРИНЦИПИНИ ТАЪМИНЛАШ” йўналишида:

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тоифасига кирувчи **маъмурий ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар рўйхати тузилди** *(2020 йил31 декабрдаги ВМК-829-сон)*

Нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш (МЖтК 61^1-моддаси);

Давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш (МЖтК 193^1-моддаси);

Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши (МЖтК 193^2-моддаси);

Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш *(ЖК 167-модда 2-қисм ”г” банди);*

Фирибгарлик *(ЖК 168-модда 3-қисми ”в” банди);*

Тижоратда пора эвазига оғдириб олиш *(ЖК 192^9-моддаси);*

Нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш *(ЖК 192^{10}-моддаси);*

Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилиш *(ЖК 205-моддаси);*

Мансаб сохтакорлиги *(ЖК 209-моддаси);*

Пора олиш, пора бериш, пора олиш-беришда воситачилик қилиш *(ЖК 210, 211,212-моддалари);*

Давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш *(ЖК 213-моддаси);*

Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши *(ЖК 214-моддаси);*

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш *(ЖК 243-моддаси);*

Ҳокимиятни суиистеъмол қилиш, ҳокимият ваколатидан ташқарига чиқиш ёки ҳокимият ҳаракатсизлиги *(ЖК 301-моддаси)*

3. “КОРРУПЦИЯГА ОИД ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ СОДИР ЭТГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИНГ МУҚАРРАРЛИГИ ПРИНЦИПИНИ ТАЪМИНЛАШ” йўналишида:


Коррупцияга оид жиноятлар учун **узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазо чорасини** кескин кучайтириш *(2021 йил 6 июлдаги ПФ-6257-сон)*

Коррупцияга оид жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан жиноий **жазони *ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш, жазони енгилроғи билан алмаштириш*** нормаларини қўлланилишига чекловлар белгилаш *(2021 йил 6 июлдаги ПФ-6257-сон)*

Агентликка ”Коррупцияга оид жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган шахсларнинг очиқ **электрон реестри”**ни юритиш белгиланди *(2021 йил 6 июлдаги ПФ-6257-сон)*

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган шахсларни рағбатлантириш шакллари *(пул мукофоти, ташаккурнома ёки эсдалик совға, давлат мукофоти)* белгиланди *(2020 йил 31 декабрдаги ВМК-829-сон)*

Мансабдор шахс томонидан содир этиладиган коррупцияга оид жиноятнинг энг хавфлиси **пора олиш**дир (ЖК 210-моддаси).







Пора олиш:

- **15 йилгача озодликдан маҳрум қилиш** билан жазоланади.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар учун жиноий жавобгарликка тортилганлар статистикаси

2021 йилда – 2 804 нафар мансабдор шахслар жиноий жавобгарликка тортилган.

2022 йилда – 3 116 нафар мансабдор шахслар жиноий жавобгарликка тортилган.








9 декабрь – халқаро коррупцияга
қарши курашиш куни
ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН
РАҲМАТ!